Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 99 (6. 798) 1989 йил 29 апрель, шанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ 26—27 апрель кунлари КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС ўлка, область комитетлари ва бир қанча шаҳар комитетлари социал-иқтисодий бўлимлари мудирларининг семинар-кенгашида партия комитетлари ишини қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳотни ўтказишга сиёсий раҳбарлик форма ва методларини такомиллаштириш ва партиянинг социал сиёсатини амалга оширишга тааллуқли кўпгина масалалар кўриб чиқилди. Бугун газеталарда ана шу семинар-кенгаш ҳақида ҳисобот эълон қилинган.

⊙ «1989 йилги Бутииттифоқ аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки якунлари тўғрисида» СССР Давлат статистика комитетининг ахбороти берилган.

⊙ «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганликлари учун С. К. Крикалев, В. В. Поляков ва А. А. Волков ўртоқларни мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари эълон қилинган.

⊙ «Партия ходими» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● Кеча Германия Демократик Республикасида мамлакат қуролли кучлари ва қурол-яроғларини қисқартириш тадбирлари бошланди. Бу тадбирларга кўра ГДР 1990 йилгача олтита танк полки ва битта авиаэскадрильяни, ўн минг ҳарбий хизматчини бир тараф-лама қисқартиради. Мамлакат мудофааси учун сарф-харажатлар ҳам 10 процентга камайтирилади.

● 28 апрель роппа-роса пешинда Ливанда артиллерия отишувлари тўхтади. Бир-бири билан қонли жанг олиб бораётган гуруҳлар Араб мамлакатлари лигасининг даъватига жавобан ўт очишни тўхтатишларини эълон қилдилар.

● Покистондаги Пешавор ва Кветта шаҳарларида бўлиб ўтган митинглар қатнашчилари Покистон, Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистонидан Афғонистоннинг ички ишларига аралашишни тўхтатишини талаб қилдилар.

Муросасиз оппозиция эса ҳарбий ҳаракатларни давом эттирмоқда. 27 апрелда Қобулга 50 та реактив снаряд ёғдирилди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра бунинг оқибатида 26 нафар тинч аҳоли, шу жумладан аёллар ва болалар ҳалок бўлди, элликка яқин кобуллик жароҳатланди.

● Франция пойтахтида анъанавий «78—Париж» халқаро ярмаркаси очилди. Унда 75 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи иштирок этмоқда. Бу галги ярмарка француз революциясининг 200 йиллиги мамлакатда кенг нишонланаётган бир пайтда ўтказилмоқда.

● Хитой пойтахтида олий ўқув юртлари студентлари ва ёш ўқитувчиларининг йирик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар Пекиндаги Тяньаньмэнь марказий майдонига чиқмоқчи бўлган эдилар, лекин жамоат хавфсизлиги кучлари томонидан тўхтатилдилар. ХХР давлат кенгашининг вакили ҳукумат Пекиндаги олий ўқув юртлари студентлари билан хоҳлаган вақтда музокара ўтказишга тайёр эканлигини айтди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

1 Май шарафига

Социализмни революцион янгилашнинг ғоявий негизи — марксча-ленинча таълимот яшайверсин ва ривожланаверсин!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси қарорлари қандай бажарилмоқда?

МАНЗИЛ ЯҚИН БЎЛИШИ УЧУН

«Транспорт бўлинмаларининг партиявий ва хўжалик раҳбарлиги мустаҳкамланди. Корхоналарнинг моддий-техника базаси ривожланди, ҳаракатдаги состав янгиланди ва кўпайди. Келгуси йили 29 километр узоқликдаги троллейбус ва 16 километр узоқликдаги трамвай линиялари қурилади». Шаҳар партия конференцияси минбаридан янграган бу сўзларга қандай амал қилинмоқда? Аввало, айтиш керакки, транспорт барча тармоқларининг ишини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг тиғиз комплекс проблемаси ишлаб чиқилди.

Ҳозирда бу программа амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида метронинг «Тошкент—Чкалов» янги участкаси фойдаланишга топширилди. «Навоий — Беруний» йўлидаги ишлар жадал бормоқда. Юнусобод шаҳобчасини қуришга тайёргарлик бошланди. Тошкент авиаотряди ва йўл бўлимлари ўз ишларини бир қадар яхшиладилар. Лекин транспорт муаммоси ҳали ҳам ўткир бўлиб турибди. Турмуш яна ҳам қатъийроқ чоралар кўрилишини талаб этмоқда. Фикримизнинг далили учун трамвай ва троллейбус бошқармасида олиб борилаётган ишлар юзасидан баъзи мисолларга мурожаат қилайлик.

Шаҳримизда электр хўжалиги тармоғини юксалтириш ҳамон муҳим муаммолардан бири бўлиб қолянти. Ҳозирги кунда трамвай-троллейбус маршрутларининг узунлиги 2.717 километрга етказилди. Ҳаракат мунтазамлиги эса трамвайларда 93,3, троллейбусларда 96,8 процентга кўтарилди. Транспортларнинг бузуқлиги сабабли депога қайтиб келиш ҳоллари кескин камайди. электр озуқаларини ишлаб чиқариш такомиллашди. 4 та подстанция фойдаланишга топширилди ва 3 та подстанция монтажланмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 9, 18-троллейбус маршрутлари Шимоли-Шарқ массивигача, 3, 23-трамвай маршрутлари Чкалов метро станциясигача узайтирилди. 6,8 километр трамвай линияси, 23 километрли контакт тармоғи муддатидан илгари ремонт қилинди.

Янги иш системасига ўтиш жараёнида трамвай ва троллейбус маршрутларида ҳаракат мунтазамлигини яхшилаш, ҳайдовчилар составлари орасида таълим ва тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш, норматив методларига асосланиш давр талабига мослаштирилмоқда. Ҳозирги кунда ҳаракат составларини ремонт қилиш янги техника процесси асосида бажарилянти.

Ҳайдовчилар состави орасида кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш мақсадида қатор социал-маданий объектлар бунёд этилмоқда. Кўп йиллар мобайнида техник-иқтисодий кўрсаткичларга тўсқинлик қилаётган муаммолар изга тушди. Ҳаракат мунтазамлигини самарали йўлга қўйишда ижодий изланиш — ремонт сифат ва самарадорлигини ошириш, ҳайдовчиларнинг турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш ва улар малакасини тинмай ошириб бориш йўлида партия ва касаба союз комитетлари мададкор бўлишянти.

Шаҳар электр транспортининг техник бузуқлиги сабабли йўлларда ушланиб қолиш ҳодисалари 596 тадан 522 тага камайган бўлса ҳам электр транспортчиларнинг хизмати ҳамон ҳамшаҳарларимиз талабини тўла қондирянти, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳаракат вақтида рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар депода муҳокама қилинмоқда. Айбдорлар тегишли жазоларини оляптилар. Транспортларнинг техник носозлиги сабабли йўлдан депога қайтиб келиш ҳоллари эса ремонт зоналарида атрофлича ўрганиляпти. Ҳаракат давридаги нуқсонларни йўқотиш, ҳаракат мунтазамлиги назоратини ошириш, ҳайдовчиларнинг техникавий малакасини ўстириш, йўл хўжалиги, кабель линияси ва контакт ишларини такомиллаштириш юзасидан муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Трамвай ва троллейбус ҳаракати самарадорлигини ошириш мақсадида зудлик билан 17 та ёрдамчи подстанция қуриш зарур. Бунёд этилган 59 та подстанциядан 36 таси битта агрегатли бўлгани сабабли транспортларга электр озуқаси етишмаянти. Улар қайта реконструкция қилишга муҳтож. Чунки қисқа муддат ичида 18 та подстанция, 65 километр троллейбус линияси ва 29 километр трамвай йўли фойдаланишга топширилиши керак. Шунинг учун электр энергиясини кенг қўламда ишлаб чиқаришга тараддуд кўрилмоқда.

Ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ниятида йўл ва энергия хўжалиги хизмати базалари, Юнусобод массивида троллейбус депосини қуриш лойиҳалаштирилмоқда. Бу режаларни 1990 йилларда ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Лекин, шунга қарамасдан, шаҳар электр транспорти ишида қатор камчиликлар ҳам мавжудки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Бу аввало транспортларни тўла график асосида қатнамаслиги, баъзи ҳайдовчиларнинг меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйишлари, ремонтчиларнинг ўз ишларига сидқидилдан ёндошмасликларида кўринади. Корхоналарнинг маъмуриятлари ва партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қайта қуриш ишига зид бўлган бундай салбий кўринишларга қарши муросасиз кураш олиб боришянти.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
кўп нусхали «Мотор» газетаси редактори.

Ўз касбининг моҳирлари

Шаҳримиздаги барча ишлаб чиқариш корхоналари хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қиляптилар. Ўз-ўзини бошқариш ва молиявий жиҳатдан таъминлаш шароитида коллективлар ички резервлардан унумли фойдаланиш ва даромад фондини яратиш учун астойдил интиляптилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳам чегаралари кенгайиб, филиаллари сони кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. 3-тўқув филиали коллективи мусобақада пешқадамликка эришаётган фабрикалардан бири. Айниқса калаваладаштандалаш цехи ишчилари зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш топшириқларини 110 процентдан қўйи туширмаётган пешқадам калаваловчи Маъфират Файзиеванинг цехдагилар илғорлар сафида тилга олдилар. Унинг ҳамкасблари сатни, митпаль, мальмаль ассортиментлари учун сифатли калава етказиб беришяпти.

Шаҳримизга қарашли 3-монтаж бошқармаси ишчилари эса Уй-жой программасини адо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар. Слесарь Виктор Бодров ва пайвандловчи Николай Синявкинлар ўз вазифаларини виждонан адо этишлари билан коллективдагиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонишяпти. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Николай Синявкин қурилишда кўплаб ёшларга мураббийлик қилган.

Илғорлар иш сифати бугунги кунининг энг муҳим вазифаларидан эканлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишчи ишни сифатли қилиб бажаришга интилади.

В. МАДИМАРОВА.

СУРАТДА: (чапда) калаваловчи М. Файзиева; 3-монтаж бошқармаси пешқадамлари В. Бодров ва Н. Синявкинлар.

Т. Каримов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

27 апрель куни партия-хўжалик активларининг кенг иштирокида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунлари тўғрисида ахборот берди.

Бюро мажлисида республикада антисоциал кўринишларнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Муҳокама чоғида таъкидлаб ўтилганидек, демократия ва ошкоралигнинг ривожланиб бораётган жараёнлари одамларнинг ўзлигини англаш ўсиб, уларнинг ижтимоий ва сиёсий активлиги ошиб бораётган бир пайтда ўтмоқда. Ташаббускор жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмалар тузилмоқда. Уларнинг кўпчилиги қайта қуришни жадаллаштиришга кўмаклашмоқдалар, партия, совет ва хўжалик органлари билан қуч-ғайратларини бирлаштирмоқдалар.

Аммо шундайлари ҳам борки, улар одамларнинг қайта қуриш жараёнларида қатнашиш, жамиятни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янада соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш йўлидаги соғлом муддаосидан ўз мақсадларида фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Бундай гуруҳларнинг жиззаки раҳбарлари кишиларни оммавий намойишларга муттасил гиж-гижлаб, унинг оқибатларини ўйламаяптилар, ҳар қандай соғлом масъулиятни зиммаларидан соқит қилмоқдалар.

Республика меҳнаткашлари хат орқали ва оғзаки мурожаатларида экстремистик кайфиятлар пайдо бўлаётгани хусусида ташвиш билдирмоқдалар, буларни хатарли ҳол деб билиб, олдини олиш чоралари кўрилишини илтимос қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Марказий Комитетнинг бўлимларидан, область, шаҳар ва район партия комитетларидан, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, касаба союзлари ва комсомолдан чуқур ҳамда ўзини ўзи танқид руҳидаги таҳлил асосида интизомни, уюшқоқлик ва тартибни қатъиян мустаҳкамлаш, республикада антисоциал кўринишларга қарши ҳаракатларни кучайтириш юзасидан туб, конкрет ишларни амалга оширишни талаб қилди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг тексти ва белгиланаётган конкрет чора-тадбирлар яқин вақт ичида матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Тошкент шаҳар Киров ва Октябрь район партия комитетларининг қайта қуриш шароитидаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти кўриб чиқилди. Мазкур партия комитетлари, кўпгина бошланғич ташкилотлар ишда амалий фаолиятни кучайтириб конкрет вазифаларни ҳал этишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Шу асосда коллективларни социал-иқтисодий ривожлантиришда баъзи ижобий силжишларга эришилди, маънавий вазият соғломлаштирилмоқда.

Шу билан бирга район партия комитетлари ва уларнинг биринчи секретарлари М. М. Умарова билан Х. С. Орипов ўртоқларнинг иш услубида яна ҳам чуқурроқ ўзгаришлар бўлиши талаб этилади. Район партия комитетлари коммунистларнинг ҳисоботсайлов йиғилишлари ва конференцияларида айтган танқидий фикр-мулоҳазаларини рўёбга чиқариш борасида амалий ишларни авж олдирмадилар, одамларнинг ғоят хилма-хил моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бевосита дахлдор масалаларни ҳал этишда сиёсий фаолиятнинг самарали шаклларини излаб топишда сусткашлик қилмоқдалар. Кадрлар сиёсатига анкета-номенклатура асосида ёндашиш бартараф этилмаган, аппарат ходимларида, идеология активларида демократиялаш ҳамда ошкоралик шароитида ҳаракат қилиш маҳорати ва малакаси ҳосил қилинмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Киров ва Октябрь район партия комитетларининг, уларнинг бюроси, шахсан биринчи секретарларининг диққат-эътиборини ўз умрини ўтаб бўлган усуллардан халос бўлиш, партиявий-сиёсий ишларнинг форма ва методларини яна ҳам қатъийроқ қайта қуриш ҳамда бу ишларни КПСС XIX Бутииттифоқ конференциясининг талабларига мувофиқ ўтказиш зарурлигига қаратди.

Республикада кадрлар сиёсатини такомиллаштиришга доир баъзи амалий тадбирлар ҳақидаги қарор қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Республика агросаноат комплексини бошқариш системасини қайта қуриш мақсадида, КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий усулларини, хўжалик фаолиятига юқоридан аралашувни батамом тугатиш тўғрисидаги талабларига амал қилиб, Бюро мажлисида республика агросаноат комплексини бошқаришни қайта ташкил этиш билан боғлиқ йўналишларни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилди. Комиссияга жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда барча босқичлардаги агросаноат комплексини бошқариш системасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш топширилди.

Марказий Комитет Бюроси Олот, Бўз, Норин, Чортоқ, Қўшработ, Ёзёвон, Нукус районларини аввалги чегараларида қайта тиклаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. Қизилтепа, Томди, Учқудуқ, Конимех, Навоий районларини ҳамда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларини Самарқанд областидан Бухоро областига ўтказиш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилди.

Масалани узил-кесил ҳал этиш учун тегишли материаллар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига топширилди.

Бюро мажлисида Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг республика Хотира китобини нашр этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва социал характердаги бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Хотин-қизлар кенгаши счётидан

ТОШКЕНТ «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоат ташкилотлари корхона ходимларига бевосита моддий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Энди хотин-қизлар кенгаши, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ана шу мақсад учун завод кассасидаги ўз счётидан пул олиши мумкин. Уларга корхона оладиган фойдадан йилига етмиш минг сўм ажратилмоқда.

— Бирлашма касаба союз комитети бу жамоат ташкилотлари амалда мустақилликка эга бўлишлари учун шундай қарор қабул қилди,— дейди касаба союз комитетининг раиси М. Одилова.— Илгари жамоат ташкилотлари илтимослардан бошлари чиқмасди. Уларнинг «ўз» пулларига эга бўлиши обрўларингина кўтариб қолмай, бу ташкилотлар учун реал имкониятлар яратди. Шунингдек уларнинг одамлар олдидаги масъулиятини оширади.

Коллективда социологик тадқиқот ўтказган жамоатчилар моддий ёрдамга жуда муҳтож кишиларни аниқладилар. Масалан, беш нафар ва ундан кўпроқ болалари бўлган 160 аёлга биринчи навбатда ёрдам берилади. Ажратилган маблағлардан кўп болали оилаларга бевосита ёрдам бериш, квартираларни ремонт қилиш, даволанишга муҳтож кишиларни ва ветеранларни санаторийлар ва дам олиш уйларида бепул даволанишлари ва ҳордиқ чиқаришларини ташкил этишга сарфланади.

(ЎзТАГ мухбири).

Ишчи мактублари

Илғорларга тенглашиб

Шу кунларда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари қатори биз-нинг 94-механика цехи коллективи ҳам ҳар бир иш кунининг унумли бўлишига интилмоқда. План ва топшириқларини ортиғи билан адо этиш, ҳар бир маҳсулотнинг аъло сифатини таъминлаш, бир дастғоҳ билан чекланмай, 2—3 тадан дастгоҳда ишлаш цехимиз ишчилари учун одат тусига кириб бормоқда. Айниқса 1 Май байрами арафасида юқори малакали фрезерчи Руслан Абдурашидов ва Владимир Ли сингари илғорларимиз ҳаммага ўрнак кўрсатишаётганини айтиш зарур. Руслан рақамли программа билан бошқариладиган станокка хизмат кўрсатади. У бир йўла 3 станокда зарур деталларни ишлаб чиқаради. Кенгайтирилган хизмат зонасида унумли натижага эришишда унинг билим ва тажрибаси қўл келмоқда. Цехда 15 йилдан бери меҳнат қилаётган 5-разрядли бу ишчи бирлашманинг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланиб, бир неча бор ўз касбининг моҳири деб топилган. У план топшириқларини 120—130 процентга бажариб келмоқда. Цехда бу ишчига ҳар доим мураккаб конструкцияли деталларни ишлаб чиқариш топширилади. Ўз касб маҳоратини ёшлар билан ўртоқлашиш Русланнинг ажойиб хислати. Ҳозиргача у 4 ёш ишчига фрезерчилик касбини ўргатди. Шогирдларидан бири Бердимурод Бобомуродов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтида таҳсил кўради. У устозига тенглашишга астойдил интиляпти. Ҳозирда тўртинчи разрядга эга бўлган Бердимурод ҳам рақамли программа билан станокни бошқаради. Цехнинг яна бир илғори Владимир Линнинг цехда ишлаётганига 10 йил бўлибди. Тўртинчи разрядли бу фрезерчи ҳам 3 та дастгоҳни бошқаради. Шахсий план топшириқларни 120—125 процентга бажараётган бу илғор ҳамкасблар барча деталларнинг ниҳоятда аъло сифатли бўлишига эришишяпти. Бугунги кунда цехимизнинг бошқа ишчилари ҳам бу пешқадамларга тенглашишга, улардан касб маҳорати сирларини ўрганишга астойдил интиляптилар.

Ҳ. ХЎЖАЕВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

МАНФААТЛАР ВА НИЯТЛАР

Ер, сув, ҳавони зарарли чиқиндилардан халос қилиш, шаҳарни ахлатлардан тозалаш ва айни вақтда икки миллиард доллар ишлаб топиш... Хўш, қандай қилиб бунга эришиш мумкин?

27 апрель куни Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетида бўлган семинарда Броунинг — Феррис Индастрис, Инкорпорейтед (АҚШ) фирмаси ўз тажрибасига суянган ҳолда бир қанча амалий маслаҳатлар берди. Бу СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети билан шу комитетнинг америкалик шериклари режалаштирган бундай учрашувлар туркумининг дастлабкиси бўлди.

Семинарнинг расмий қисми жуда қисқа ўтди: Ўзбекистон индустриясининг бир қанча тармоқлари ҳамда энг катта корхоналарининг раҳбарлари чет эллик ҳамкасблари билан танишдилар — сўнг амалий суҳбат бошланди. Суҳбатда ишларни ташкил этиш, технологиялар, конструкцияларнинг конкрет методлари батафсил таҳлил этилди... Улар суҳбатдан ўзаро манфаатдор эдилар. Меҳмонларни бизнинг тажрибамиз ҳам қизиқирарди. Шундай қилиб, ўзаро фойдали алмашувлар ҳақида гап борди. Ҳамкорлик қилишнинг усулларидан бири биргаликдаги корхоналарни ташкил этишдан иборат.

Дастлабки учрашувда ахборот алмашилди, аниқ-равшан манфаатлар ва ниятларнинг бир қанча соҳалари белгилаб олинди. Музокаралар яна давом эттирилади, қарорлар қабул қилинади.

(ЎзТАГ мухбири).

Футбол

Кеча мамлакатимизнинг бир қанча шаҳарларида биринчи лига коллективлари ўртасида олтинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентда пахтакорчилар Кемеровонинг «Кузбасс» коллективини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича тугади: «Металлург» — «Котайк» — 1:0, «Спартак» — «Таврия» — 1:1, «Нефтчи» — «Нистру» — 3:1, «Динамо» (Бт) — «Карпати» АСК — 1:1, «Кубань» — «Даугава» — 1:1, «Қайрат» — МАСК — 2:1, «Геолог» — «Ростсельмаш» — 2:0, «Шинник» — «Факел» — 0:1.

Касаба союз ҳаётидан

Гап кўпу, иш оз

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати касаба союз комитетининг оталиқдаги совхоз фаолияти муҳокама қилинган, кенгайтирилган мажлиси қизғин ўтди. Совхоз коллективи шу йилнинг январь ойидан бошлаб ижара пудрати асосида ишламоқда, — деди агроном Абдуллахонов. Лекин шарт-шароит ижара пудратида ишлашга халақит бермоқда. Жумладан, тайёр маҳсулотни ташиб кетиш учун корхона томонидан бор-йўғи битта машина ажратилган. Ахир ўзингиз ўйланг, битта машина қай биригa улгурсин. Мана ҳозир помидор, бодринг экяпмиз. Март ойида редиска жўнатган эдик, корхона ишчилар таъминоти бўлимидагилар уни қайтариб юборишди.

Нотиққа залдан саволлар ёғилди.

— Корхонага келтирилган редискани ким кўрибди?

— Сотувда йўқ эди-ку, қаёққа гумдон қилишди?

5-ошхона директорининг ўринбосари Абдурашид Абдураҳмонов аниқлик киритди: — Мен редискани қабул қилишим мумкин эди. Аммо бу бутқул яроқсиз бўлганлиги учун қабул қилмадим,— деди у. — Ахир уни савдога чиқарсак ёки ошхонада ишлатсак ишчилар олдида мулзам бўлардик.

Ўткир Акбаров — 2-тўқувйигирув фабрикасининг директори: — Ҳозир шаҳарни кезсангиз, укроп, пиёз, кашнич ва бошқа резаворларни кўрасиз. Нима учун бизнинг корхона савдо шахобчаларида бу кўкатлар йўқ?— деди.

Бу саволга совхоз бош иқтисодчиси С. Зиёмуҳамедов шундай жавоб қилди:

— Ҳозир биз картошка, карамни экиб бўлдик. Агар обҳаво халақит бермаса, экинтикинни вақтида тугаллаймиз. Имоним комил, бу йил тўқимачиларга 600 тонна картошка, 1100 тонна сабзавот, 9 тонна қулупнай, 45 тонна узум етказиб берамиз. Кўкатлар масаласига келсак, биз уларни тайёрлаб, вақтида корхонага жўнатамиз. Лекин ишчилар таъминотидаги ўртоқлар келтирилган маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олишмайди. Қаерга туширишни билмаймиз. Совхоз билан корхона оралиғи яқин эмас: бориб келгунча сабзавотлар сифатини йўқотади. Биз олиб келганда жой бўлмайди. Яна қайтариб олиб кетамиз. Шу ҳам ишми? 1988 йилдагина шундай саргардонликлардан 127 минг сўм зарар кўрдик. Бизга сизлар ҳам ёрдам беринглар.

А. Баҳромов — совхоз кадрлар бўлими бошлиғи:

— Совхозимизда 398 киши ҳисобда. Шундан 231 киши маҳаллий ишчилар. Ёшлар шарт-шароит ёмонлигидан шаҳарга кетиб қолишмоқда. Болалар боғчасида фарзандларимизга жой етишмаяпти. Аёлларимиз декрет отпускаларидан келишади, уларнинг фарзандларини боғчага жойлаштириш лозим.

Клуб, мактаб авария ҳолатида. Болаларни лагерга юбориш ҳам муаммо. Корхона касаба союзи томонидан 8—9 путёвка берилади. 398 киши ишлайдиган совхозга бу нима бўлади? Буни ҳал қилиш ўртоқ Г. М. Здюмовага боғлиқ.

Бош директор ўринбосари А. И. Икромов:

— Уч маротаба совхозга бордим. Кейинги беш йилни оладиган бўлсак, совхоз фақат зарар кўрарди. Мана ўтган йили у планни бажарди, соф фойда олди. Совхознинг раҳбари иқтисодни чуқур билувчи, халқ учун астойдил жон куйдирувчи киши экан. Унинг изланишлари, совхозни ижарага ўтказишнинг ўзи буни айтиб турибди. Силжишлар бор. Боғдорчиликда, чорвачиликда ўзгаришлар бўлаяпти. Ижара пудратига ўтган совхозда ишчилар шаҳарга кетиб қолмайди. Маош кўпайгач, уларнинг кетгиси ҳам келмайди. Биз бу ерда кўкатлар йўқ деб аюҳаннос солаяпмиз. Ахир биз ҳам совхозга ёрдам беришимиз керак-да!

И. Лусинян — корхона меҳнат коллективи совети раиси:

— Акбар Икромович тўғри айтдилар. Совхоз директорлари ўзгаверганидан уларнинг саноғини йўқотиб қўйдик. Бири ишини эплай олмади, яна бири бошқа, бошқа... Мана, совхозимизга янги директор Равшанжон Тўланов келди. Мен уни таърифлаб ўтирмайман, ҳаммангизга аён, қисқа вақт ичида у совхозни оёққа турғизди. Йилдан-йилга иқтисодий зарар кўраётган совхоз ўтган йили соф даромад олди. Буни табриклаш лозим. Бироқ кейинги пайтларда корхона ишчилар таъминоти билан совхоз ўртасида қандайдир тўсиқ бордай. Буни балки Р. Аблаев, М. Сандлер ўртоқлар шарҳлаб берар. Хуллас, совхоз оталиқ ёрдамига муҳтож. Ахир бир пайтлар биз ёрдам берардикку! Нега ҳозир буни қилмаяпмиз?

Ўша кунги корхона касаба союзининг кенгайтирилган мажлиси узоқ давом этди. Тўпланганлар совхоз коллективига ёрдам беришга қарор қилдилар. Қарор эса қоғозда қолмаса керак.

Б. ОРИПОВ.

Кимнинг варраги яхши?
(Фоторепортаж)

Ҳар фаслнинг ўзгача таровати бор. Кичкинтойлар қишда яхмалак учиб, қорбўрон ўйнашни яхши кўришса, баҳорда— ям-яшил либосга бурканган далаларда, боғ-роғларда мириқиб ҳордиқ чиқаришни, чиллак ўйнашни, варрак учиришни хуш кўришади. Ёзда ҳам болажонларнинг жони роҳатда. Тоғ ён-бағирларида жойлашган лагерларда, сўлим оромгоҳларда, денгиз бўйларида, офтобда тобланишни, анқору кўлларда балиқсимон сузишни ким ҳам ёқтирмайди, дейсиз. Кузнинг ҳам ўзини мафтун этувчи жозибаси бор.

Болаларнинг мириқиб, тоза ҳаводан баҳра олиб ўйнаб-кулаётган баҳор фасли қурра узра ҳукмрон. Шаҳримизда кичкинтойларнинг дам олиш кунларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё. Ҳиёбонларда ташкил қилинаётган турли қизиқ-қизиқ мусобақалар, конкурслар мактаб ўқувчиларининг табиатга, муҳитга бўлган муносабатларини ўзгартиришда салмоқли ҳисса бўлмоқда...

— Варрагимнинг думи узунроқми!..

— Вой-бў, бунақанги катта варракни умримда кўрмагандим...

Бу сўзлардан ажабланманг. Сабабини сўрасангиз, бунинг боиси оддий. Яқинда А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Варрак» деб номланувчи 1-шаҳар байрам-конкурсига борганингизда сиз ҳам ана шундай саволларни берган бўлардингиз. Илк бор ўтказилган бу конкурсга шаҳримизнинг турли даҳаларида истиқомат қилувчи 150 га яқин болалар ясаган варраклар қўйилганди. Улар турли ашёлардан тайёрланиб, турли шаклларни эслатади. Конкурсда ким ғолиб чиққанлигини аниқлаш жюри ҳайъатига бироз мушкуллик олиб келди. Болалар варракларни ихлос билан ясаганликлари бунинг асосий сабаби бўлди. Шундай бўлсада, ғолиблар топилиб, уларга совғалар топширилди...

Кўкда муаллақ сузаётган нима! Самолётми! Вертолётми! Йўғ-е, ахир бу ўзимизнинг варрак-ку. Ўх-ў, жуда баланд парвоз қиляпти-ку. Само қўйнига шўнғиб кетмаса бўлгани...

Болаларнинг шунга ўхшаш қий-чуви узоқ вақтгача эшитилиб турди. Конкурс ғолиблари ҳам, унда мағлуб бўлганлар ҳам бирдек. Чунки бу — болалар байрами.

И. ЖУМАЕВ.

© СУРАТЛАРДА: «Варрак» байрам-конкурсидан лавҳалар.
Р. Альбеков фотолари.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Диллардан тошади шундоқ бир туйғу:
Барчанинг муқаддас онаси Ердир.
Замида яшаймиз, бир шодлик, қайғу,
Ҳаттоки, умрлар, тақдирлар бирдир.
Осмонда порлаган Қуёш устивор
Қўлни қўлга бердик ягона истак:
Дўстлик билан бўлур бағубор,
Дўстликка эш бўлсин беш миллиард юрак.

Т. Каримов фотоси

Феруза рангли кошона

«Ташгипрогор» лойиҳа институтининг малакали меъмор ва бинокорлари шаҳримизда қурилажак янгидан-янги бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқмоқдалар. 1966 йилдаги табиий офатдан кейин шаҳримизнинг қиёфаси тубдан янгиланганлигида, унинг деярли қайта қурилишида ҳамда пойтахт атрофида қад кўтарган катта-катта турар жой массивлари барпо этилишида бу институтнинг ҳиссаси жуда каттадир.

«Ташгипрогор» лойиҳа институтининг 7-устахонаси меъмор ва бинонор инженерлари 1 Май байрами арафасида яна бир кўркам бино лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу кошона саноат-савдо палатаси кўргазма павильонининг янги биносидир. У феруза рангли гумбаз—айланаси 60 метр, марказидаги баландлиги 20 метрга тенг. Бинонинг ер остки қисмида конференциялар ўтказишга мўлжалланган зал жойлашган. Бу зал янги саноат молларини реклама қилувчи кино ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда чет элларда ўтказиладиган турли иш тажрибаларини акс эттирувчи ва у ерда ишлаб чиқарилаётган энг замонавий саноат молларининг намуналарини тарғиб қилувчи қисқа метражли ҳужжатли кинолар намойиш этилади.

Пойтахтимизнинг «Комсомол» метро станцияси яқинида уч гектар ерни ишғол этиб қуриладиган бу кўргазма павильонида саноат молларининг натта улгуржи савдо ярмарналари ўтказилади. Бу ерда замонавий техниканинг охирги ютуқларига асосланиб қурилган янги станоклар, техника ускуналари, янги электрон-ҳисоблаш машиналари, турли техник мосламалар, янги кабель маҳсулотлари корхона ва ташкилотларга сотишга мўлжалланмоқда. Иттифоқимиздаги саноат моллари ишлаб чиқарадиган ташкилотлараро амалга оширилиадиган савдо-сотиқ бўйича битимлар ҳам келажакда шу ерда амалга оширилади.

Д. РАҲМОНОВ.

Телефон олдида ҳарбий комиссар

Шу кунларда республика ҳарбий комиссариатлари сершовқин ва гавжум бўлиб бораяпти — йигитларни ҳақиқий хизматга чақириш бошланди. Бу ерга фақат армияга чақирилувчилар эмас, уларнинг ота-оналари, қариндошуруғлари ҳам келишмоқда, улар ҳарбий комиссариат ходимларига жуда кўп саволлар бермоқдалар.

Республика ҳарбий комиссари генерал-майор Емельян Иванович Рибяк ана шундай саволларнинг кўпига жавоб беришга аҳд қилди. У апрелнинг сўнгги кунларидан бирида Ўзбекистоннинг шаҳарлари, қишлоқлари билан уни боғлаган «Бевосита телефон» олдида навбатчилик қилди. Мана унинг саволларга қайтарган жавобларининг стенограммаси, бизнингча бу республикадаги барча газетхонлар учун қизиқарлидир. Чунки комиссар фақат армияга чақирилувчилар билан эмас, ҳозир хизмат қилаётган, яқин вақтда запасга бўшатиладиган жангчилар билан боғлиқ саволларга ҳам жавоб қайтарди.

Телефон эрта тонгданоқ жиринглай бошлади. Республика ҳарбий комиссарига биринчи бўлиб армияга чақирилувчи йигитнинг отаси Герман Осипович Зайко мурожаат қилиб, ўғли ўрта мактабни битирганидан кейин қурилиш техникумига ўқишга кирса унинг армияга чақирилиш муддати кечиктириладими ёки йўқми, шуни тушунтириб беришни илтимос қилди.

— Сизни ранжитишга мажбурман: умумий мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунга мувофиқ ўрта махсус ўқув юртига кирган кишиларнинг ҳарбий хизматга чақирилиши кечиктирилмайди.

Шундан сўнг Холида Галямовна Фагреева қўнғироқ қилди. У онласи бир шаҳардан бошқа шаҳарга кўчиб кетган бўлса, неваласи запасга бўшатилгандан кейин қайси шаҳарга қайтиши билан қизиқди. Чунки армиядан бўшатилган йигитлар учун йўл ҳужжатлари қайси жойдан чақирилган бўлса, ўша жойга ёзиб берилади.

— Ҳарбий хизматчининг онласи истиқомат жойини ўзгартирган бўлса, ота-онасининг янги адреси кўрсатилган справкани қисм командирига тақдим этиши лозим. Бинобарин уй бошқармасидан справка олиб, неварангизга жўнатаверинг...

Солдат онаси Дилором Иброҳимова ўғли институтдан армияга чақирилганлигини айтиб, кузда хизмат муддати тугаганидан сўнг институтда машғулотлар бошланишига улгуриши учун тезроқ жавоб беришармикан, деб сўради.

— Мавжуд қоидаларга мувофиқ у 20—30 октябрда хизматдан бўшатилиши керак. Сиз сентябрь ойининг охирида менга мурожаат қилинг, ўғлингиз қисмдан биринчилар қаторида жўнаб кетишини шахсан ўзим назорат қиламан.

Ҳарбий комиссарга ғоят хилма-хил, баъзан конкрет чоралар кўришни талаб қилувчи саволлар берилди. Масалан, Самандар Аҳмедович Воҳидов солдат ўғлининг касали хизмат вақтида кучайганлиғидан ташвиш билдирди.

— Бундай қилайлик, — деб жавоб қилди ҳарбий комиссар, — Москвадаги врачлар ўғлингиз саломатлигини яхшилаб текширишлари учун хат ёзиб жўнатамиз. Ўша врачлар ўғлингиз хизматни давом эттира оладими ёки йўқми — аниқлаб беришади.

Генерал-майор Е. Рибяк шу заҳоти ҳарбий комиссариат офицерларидан бирига тегишли хат тайёрлашни буюрди.

Яна қўнғироқ жиринглайди.

— Мен Афғонистонда ҳалок бўлган полковник Алексеевнинг бевасиман. Ўғлим Суворовчилар билим юртига кираётганида қандай имтиёздан фойдаланади?

— Ўғлингиз ҳеч қандай конкурссиз қабул қилинади.

— Яна бир савол: биз билим юртини ўзимиз танлашимиз мумкинми ёки қаерга тайинласа, ўша билим юртига бориш лозимми?

— Истагингизни ҳисобга олиб, ҳужжатларини ўзингиз хоҳлаган билим юртига расмийлаштиришда кўмаклашамиз. Район ҳарбий комиссариати сизга ҳар томонлама ёрдам беради.

Телефон тинимсиз жиринглар эди. Одамлар ҳамма саволларига батафсил жавоб олдилар. Аммо республика ҳарбий комиссари ҳамма илтимосларни бир ўзи шу аснода ҳал қила олмасди. Шу сабабли запасдаги интернационалист жангчи Ш. Қаюмов, солдат онаси М. Игматова, уруш ветерани П. Огуречников ва бошқалар ўртага қўйган муаммолар республика ҳарбий комиссариатида назорат остига олинди.

«Бевосита алоқа» биз учун ҳамиша зарурлигича ишончим комил, — деди шу куни кечқурун Емельян Иванович Рибяк ЎзТАГ мухбирига — одамларда саволлар жуда кўп, лекин турли масалаларда кимга ва қаерга мурожаат қилишни ҳамма ҳам билавермайди. Шу сабабли биз ана шундай масалаларни аниқлаб олишда одамларга ёрдам бераяпмиз.

А. ВЕКЛИЧ,
катта лейтенант.

УЗОҚ УМР

УЗОҚ УМР кўриш сирлари асрлар давомида одамларни ўйлантириб келади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, инсоннинг ҳозирги умри табиат туҳфа этган табиий муддатдан анча камдир. Хўш, умрни қандай узайтириш керак? Олимлар бу ҳақда қандай фикрдалар?

Барча тирик мавжудотлар ўзининг умр чегарасига эга. Француз табиатшуноси Ж. Бюффон (XVIII аср)нинг аниқлашича, ҳар қандай организм умрининг узунлиги балоғатга етиш давридан беш-олти баравар ортиқ бўлар экан. Масалан, от беш йил давомида ўсиб, ривожланади, 30 йилча яшайди. Туя саккиз ёшга етганда ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди, жами 40 йилча яшайди. Инсон 25 йил давомида ўсиб-ривожланади. Демак, биологик мавжудот сифатида камида 125 йил яшаши керак. Айрим олимларнинг фикрича эса ҳатто 140—150 йил умрнинг юқори чегарасидир.

Бугунги кунда инсон табиат берган муддатдан кам яшайди, қадим замонларда эса бундан ҳам ёмон бўлган. Қадимги Грецияда ўртача умр кўриш 18 ёшга, Римда эрамизнинг бошларида 21 ёшга, иқлилобдан олдинги Россияда 32 ёшга тенг бўлган.

Тарихда умри чиноралар ҳам бўлган. Масалан, қадимги юнон файласуфи Платон 80 йил умр кўрган. Ундан икки аср кейин қадимги юнон ёзувчиси, тарихчиси ва сиёсий арбоби Катта Катон 85 йил яшаган. Венеция ҳукмдори Дандоло 97 ёшида вафот этган. Вольтер 84 ёшида, Гюго эса 83 ёшида вафот этган. Аммо булар истисно ҳоллардир. Умуман олганда, ҳатто ўтган асрда ҳам 30 — 40 ёш ҳаёт интиҳоси ҳисобланган.

Агар 1800 йилда Европада умрнинг ўртача муддати 30 йил бўлган бўлса, 1900 йилга келиб 45 ёшга етди. Бу эса биринчи навбатда санитария ва гигиена, бутун медицина илмининг тараққиёти билан изоҳланади. XX аср бошларидан бугунги кунгача ўлим билан тугайдиган кўплаб касалликларни даволашга ёрдам берадиган дори-дармонлар кашф этилди.

Аммо бунда ижтимоий-иқтисодий сабаблар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қисқа тарихий вақт мобайнида, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимизда ўртача умр муддати икки баробар кўпайди ва ҳозирги пайтда 70 ёшдан юқоридир. Айни пайтда ер юзида янги мустамлакачилик қарамлигидан азоб чекаётган мамлакатлар борки, уларда ўртача умр 50 йилни ташкил этади. Айтайлик, Куба империализм исканжасидан қутулиб, чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар йўлига, социализм йўлига ўтгач, бу мамлакатда бор-йўғи чорак аср мобайнида ўртача умр муддати 74 ёшгача етди. Соғлиқни сақлашнинг муваффақиятлари туфайли Куба ривожланаётган мамлакатлар ичида болалар ўлими энг паст даражада бўлган мамлакатдир.

Ижтимоий адолатга асосланган жамиятда давлат одамлар соғлиги ҳақида бетиним ғамхўрлик қилади, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш, юқумли касалликларни бартараф этиш, болалар ўлимини камайтириш учун самарали чоралар кўради. Медицина ёрдамининг бемалоллиги, меҳнаткашлар фаровонлигининг тўхтовсиз ўсиб бориши, ишсизликнинг йўқлиги, келажакка ишонч—узоқ умр кўришнинг ижтимоий илдизлари ана шулардир.

СССРда юз ёш чегарасидан ўтган 20 мингга яқин киши яшайди. 150 ёшдан ўтган кишилар ҳам бор.

Озарбайжонлик Шерали Муслимов эса 168 йил яшади. Совет демографи Б. Ц. Урланис яқин келажакда мамлакатимизда ўртача умр чегараси 90 йилга яқинлашади, деб фикр билдирмоқда.

Кексалик қачон бошланади?

АЙРИМ олимларнинг фикрича, инсон организмнинг кексайиши... туғилишдан ёки ҳатто ҳомилалик пайтидан бошланар экан. Менинг фикримча, инсон организмининг шаклланиши тугалланадиган 25 ёшдан бошлаб кексайишнинг бошланиши ҳақида гапириш мумкин. Демак, одам ёшлик йилларидаёқ соғлом ва узоқ умр заминини ҳозирлаши керак. Худди ана шу ҳақда ёшлар кўпинча ўйлаб кўрмайдилар, беҳудага ўз кучларини сарфлайдилар.

Афсуски, ҳозирги одамларнинг кўпчилиги муддатидан олдин кексаяди ва кўп жиҳатдан ўз айби билан инсон ҳаётининг табиий чегарасига етмайди. Касалликларни бартараф этиш ишнинг ярми, холос. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, инсоннинг асосий душманлари — юрак-томир, рак касалликлари ва травматизм устидан тўла ғалаба қозониш ҳам инсон ҳаётига бор-йўғи 10—12 йил кўпроқ ўз умримизни ҳисоблаб чиқилган. Биз кўпроқ ўз умримизни ўзимиз ўғирлаймиз, кексаликни яқинлаштирамиз, ақлимиз ва туйғуларимизни саёзлаштирамиз. Агар умумий шаклда айтадиган бўлсак, бунга носоғлом турмуш тарзи сабаб бўлади.

Қадимги Рим файласуфи Сенека айтганидек, умрни узайтириш — биринчи навбатда уни қисқартирмасликдир.

Хўш, одамлар қандай йўл билан ўз умрларини қисқартирадилар? Аввало чекиш, баъзида бошқа наркотик моддалар ёрдамида (чунки никотин ҳам наркотик моддаларга киради). Мамлакатимизда кенг тус олган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қураш шубҳасиз умрни жиддий узайтиришга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлашда атроф-муҳитнинг, ҳаво ва сувнинг тозалиги, ўғитлар ва пестицидлар қўлланиш натижасида ифлосланмаган ва қимёвий қўшилмаларсиз озиқ-овқат маҳсулотлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги умри чиноларнинг кўпчилигининг ҳаёти оғир кечган: улар қийинчиликларни бошдан кечиришган, бир неча урушлар алангасидан, яраланиш, касалликлардан омон чиқишган. Аммо соғлом ҳаёт тарзи, зарарли одатлар ва ортиқчаликлардан парҳез қилиш уларнинг мўътабар ёшгача тетиклиги сақлаб қолишларига имкон берган. Албатта, уларнинг кўпчилигига қулай ирсият (жумладан, яқин аждодлар ичида пиянисталарнинг йўқлиги) ўз ижобий таъсирини кўрсатган. Яна бир сабаби бор. Бу одамлар ўз олдиларига қўйган юксак мақсадлар йўлида, ўзларининг табиий оптимизми ва самимияти туфайли мураккаб шароитларни муваффақиятли бартараф этишган. Самимий одамлар асабий одамлардан узоқроқ яшайдилар. XVIII асрда яшаган немис врачи Х. Гуфеланд «Атрофдагиларга қанчалик эзгулик истасак, бошқаларни қанчалик бахтли қилсак, ўзимиз шунчалик бахтли бўламиз» деганида минг бор ҳақли эди. Албатта, нимадандир ғам чекиб юрадиган бахтсиз одамлар ҳам узоқ яшай олмайдилар.

Ювенология — навқиронликни сақлаш ва қайтариш усуллари ҳақидаги фаннинг энг истиқболли йўналишларидан бири психогигиенадир. Унинг вазифаси ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига қарши инсон психикасининг бардошини оширишдир.

Бизнинг шиддаткор асримиз ўзининг суръати, ўсиб бораётган ахборот оқими билан олий нерв фаолиятига жуда юксак талаблар қўймоқда. Асаб ва руҳиятга ортиқча таъсир жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам руҳий соғломликни мустаҳкамлаш тадбирлари турмушимизнинг барча жиҳатларига — таълим, меҳнат, турмуш, дам олишга алоқадор бўлиши керак. Руҳият бардошини оширишга ҳаракат активлиги ҳам, ижодий қобилиятни ривожлантириш ҳам, мия фаолияти, хотира, тафаккур, туйғуларни мустаҳкамлаш ҳам яхши ёрдам беради. Аутотреннинг—ўз-ўзини тарбиялаш, ўз гавдасига ҳукмрон бўлиш қобилиятини вужудга келтириш ҳам катта роль ўйнаши мумкин. Ўз-ўзини тинчлантиришга, хотиржам қилишга ўрганиш ҳам муҳим. У асаб системасига зарур танаффус беради. Шуниси қувончлики, мамлакатимиздаги кўпгина корхоналарда релаксация (тинчлантириш) кабинетлари ташкил этилмоқда, функционал музикадан фойдаланилмоқда.

Энди биз хатарли стресслар (кескин руҳий зарбалар) масаласига келдик. Келинг, очиғини айтиб қўя қолайлик: стресларнинг бўлиши шубҳасиз, улардан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаймиз. Аммо улардан, ваҳимага тушмаслик керак. Маълум даражада стресслар организм резервларини ишга солади, бардошни кучайтиради. Фақат муҳими, улар таъсири узоқ давом этмаслиги керак. Стресслардан кучлироқ бўлиш, организмни ёқимсиз таъсирлар оқибатини бартараф этишга ўргатмоқ зарур.

Ўз-ўзини самарали бошқариш учун ирода керак. Узоқ йиллар давомида навқиронликни сақлаб қолиш учун энг аввало кучли ирода ва ҳоҳиш зарур. Умри чиноралар орасида ялқовлар ва очофатлар, ғаразгўй ва юмор ҳиссидан маҳрум кишилар йўқ. Улар ҳамма ишда меъёрга амал қиладилар. Никоҳдаги умр анча муҳим бўлади — мустаҳкам оила соғлиқни сақлашга хизмат қилади. Бўйдоқлар тез кексаядилар, эрта вафот этадилар.

ШАНБА ОҚШОМИДА

ШАНБА ОҚШОМИДА

Ибратли тақдирлар

Куй сеҳри

БАРМОҚЛАР торга тегиши билан хонани ажиб оҳанг тўлдирди. Гўё куй ижро этилмас, балки инсон қалби тўридан нола-ю фиғон отилиб чиқаётгандай. Мусиқа инграр, нола чекарди.

— Куй номининг ўзи «Нолиш» — дейди Абдуҳамид ака Мирҳамидов мусиқа асбобини оҳиста ёнига қўяр экан. Билмадик, у қандай қилиб бу асбобни ажабланиб кўздан кечираётганимизни сездийкин. Дарҳол изоҳ беришни бошлади.

— Буни манзур деб аташади. Манзур рубоб билан ҳинд мусиқа асбоби сеторнинг оҳангларини ўзида мужассамлаштирган дейиш мумкин. Уни уста Муҳаммадназир Юнусов ясаган. Бирини мен, иккинчисини ҳамкасбим Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси Улмас Расулов чалади.

Абдуҳамид ака мусиқа асбобини яна қўлига олди. Куйнинг тўлганаётганини дилдан ҳис этиб турардик. «Ер қувончи» куйи. Ўзим ёзганман» изоҳ берди бастакор.

Бу хонадонга бизни Абдуҳамид Мирҳамидовнинг ибратли тақдири бошлаб келган эди. Унинг кўзи ожизлиги ёшлигиданоқ маълум бўлганди. Аммо Абдуҳамид саломатлигидаги бу қусур билан келиша олмади. Кўзи ожизлар мактабида ўқиса-да, мусиқага қизиқиши кучлилиги сабабли тўгаракка қатнай бошлади. Ана шу қизиқиш бувиси Фотиманинг қўлидаги дуторини сайратиб юборган пайтларидаги ҳайратланишдан уйғонган бўлса ажаб эмас.

Биринчи устози Ҳамиджон Жалолов унга куйни қалбдан ҳис этишни ўргатди. Абдуҳамиднинг мусиқа билимини оширишга тўгаракка кейинчалик раҳбарлик қилган анчагина ўқитувчиларнинг меҳнати сингган бўлса ҳам у биринчи устозини ҳали-ҳали ҳурмат билан ёдга олади.

Абдуҳамид ўрта мактабни тугаллаганида унинг олдида келгуси ҳаёт йўлини танлаш масаласи кўндаланг бўлди. Гап шундаки, у мактабни олтин медаль билан тугаллаган, ўқитувчилар унда математикага қобилият борлигини айтишган. Тақдирини отаси Шароф акнинг тавсияси ҳал қилди: у ҳужжатларини Низомий номидаги педагогика институтининг музика бўлимига топширди. Имтиҳонлардан ҳам муваффақиятли ўтди.

Бу ерда Ҳамидулла Нурматов унга профессионал ижрочилик маҳоратини қунт билан ўргата бошлади. Мусиқа билимини эгаллаш Абдуҳамидга бошқа талабаларга қараганда ўн чандон мушкул эди. Чунки у ноталарни Брайль системасида (игна билан) ёзиб олиб, тактма-такт ёд олиши керак эди. Шундай қийинчиликларга қарамай у иккинчи курсдаёқ факультетда халқ чолғу асбоблари бўйича ўтказилган конкурс ғолиби бўлди.

Абдуҳамид курсдошлари билан Наврўз байрамига ҳозирлик кўрарди. Унга биринчи курс талабаларининг байрамга тайёрлаётган бадиий қисмига ёрдам беришни илтимос қилишди. Шунда Муяссар исмли қиз Абдуҳамиддан Зайнаб Ҳонларованинг бир қўшиғи куйини чалиб беришни илтимос қилди. Абдуҳамид ноқулай вазиятга тушиб қолди. Чунки у бу куйни билмас экан... Кейинчалик улар қўшиқ куйини машқ қилиш мақсадида тез-тез учрашадиган бўлиб қолдилар. Мусиқа санъати муаммолари, бошқа мавзуларда соатлаб суҳбатлашишдан чарчамасдилар.

Муяссар ҳозир Шароф ака ва Назиҳа опа оиласининг катта келини. Уч нафар шириншакар фарзандлари бор. Муяссар болалар боғчасида ишлайди. Турмуш ўртоғининг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик, энг яқин маслакдоши.

Институтни тугатгач, А. Мирҳамидов шу ерда қолиб ишлади. Кейинчалик «Восток» клуби қошидаги «Парвоз» ансамблининг музика раҳбари бўлишга тўғри келди. Унинг раҳбарлигидаги ҳаваскор созандалар республика радиоси ва телевидениеси назарига тушиб қолди. 1972 йилда улар «Марҳабо, талантлар» конкурсида муваффақиятли қатнашдилар.

Созанда ва бастакор А. Мирҳамидов ҳозир Ленин номли педагогика билим юртида ўқитувчилик қилади. Унинг ижрочилик маҳорати кўпгина бутуниттифоқ конкурсларда юқори баҳоланган. Абдуҳамид ака 1985 йили ҳаваскорлар бадиий ижодиёти Бутуниттифоқ кўригининг, Улуғ Октябрь байрами 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати бўлди.

— Санъат сеҳрли олам, дейишлари қизил гап эмас, — ҳикоя қилади А. Мирҳамидов.

— Бир ўйлаб кўринг, алифбомизда 33 ҳарф бор, айрим кишилар эса уларни қўшиб тузукроқ жумла тузишга қийналадилар. Бастакор эса 7 нотадан қалбларни ром этадиган куй яратиши керак.

Ёшларимизнинг музика тарбияси мени жиддий ташвишлантирмоқда. Музика билан шуғулланишга жиддий эътибор бериладиган пайт келди. Ҳақиқий созанда қалбан гўзал бўлади.

Аммо бу соҳада ҳам жуда муаммолар кўп. Музика мактабларининг етишмаслиги, улар айниқса, қишлоқда камлиги тўғрисида гапирмай қўя қолай. Лекин нима учун скрипка ёки фортепьяно чалишни ўргатишга болалар бешолти ёшдан, миллий чолғу асбобларни ўргатишга эса 10—11 ёшдан олинади. Миллий созандаларимизнинг музиқа билими пухтамаслиги шунданмасмикан?

Музика мактабларидаги миллий группалар ўқув программаларини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш керак. Ижро этиш учун берилган музика асарлари ўқувчилар ёшига ҳам, ижрочилиқ маҳоратига ҳам тўғри келмайди. Иккинчи муаммо рубоб чалишни ўрганаётганлар балалайка, ғижжак чалишни ўрганаётганлар эса скрипка учун ёзилган музика асарларини ижро этишларини қандай баҳолаш мумкин?

Абдуҳамид ака музиқа таълими билан боғлиқ бошқа муаммолар тўғрисида ҳам куюниб гапирарди. Шу пайт унинг фарзандлари Нилуфар билан Хуршид биргаликда куй ижро этишни таклиф қилиб қолишди. Нилуфар фортепьяно ёнига ўтирди. Хуршид қўлига ғижжакни олди. Уларга ҳали беш яшарлигига қарамай, икки йилдан бери «Булбулча» хорининг аъзоси бўлган Малика қўшилди. Оилавий ансамбль ижросидаги куй дилларни яйрата бошлади. Шу дамда мен кўпроқ Абдуҳамид ака ҳақида ўйлардим. Уни ҳаёт кўздан ожиз қилган бўлса-да, музиқа бу кемтикликни тўлдириб, уни бахтиёр қилганига ҳавасим келарди.

А. НОСИРОВА.

⊙ СУРАТДА: Абдуҳамид Мирҳамидов фарзандлари Нилуфар, Хуршид ва Малика билан.

Д. Аҳмедов фотоси.

Янги асардан нишона

Китобга битилган сўз қолади

ЎЗБЕКИСТОН ёзувчилар уюшмасининг яқинда бўлган шеърият кенгаши йиғинида Султон Акбарийнинг «Унсурлар» («Қатағон») достони муҳокама қилинди. Шоирнинг асарида 30-йиллардаги машъум репрессия — истибдодлик ва бедодлик, қирғинчилик ва қувғинлик фожиалари ҳақида баҳс юритилади.

Биз ижодкор билан учрашиб, «Унсурлар»нинг яралиш тарихи билан қизиқдик.

— Янгиланиш шабадалари эсаётганда юракда эски тоғдай чўкиб ётган дардни шиддат билан ошкора айтиб қолай дедим, — ҳикоя қилади Султон Акбарий. — Ўзим шоҳиди бўлмиш ғайри ҳодисаларни ёзмасам, қайси муаррих, қайсу файласуф қалам тили биланн айтади?! Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»ида бир таъбир бор: «Мол-дунёни қанча йиғиб-термагин, у тугайди, йитиб йўқ бўлади, китобга битилган сўз эса қолади, оламга тарқалади».

Биз тарихнинг юзасида юрибмиз. Ҳали етмиш йиллик кечмишимиз, ўтмишдошларимиз ўзининг ҳақиқий солномачиларини кутиб ётибди.

Ўттизинчи йиллар эсланишининг ўзи даҳшат, «Учлик»нинг ўқими билан зиёлию деҳқон ҳукм қилинаверди:. Халқ душмани. Ёт унсур. Оппортунист. Аксилинқилобчи. Пантуркист. Миллатчи. Зараркунанда. Жосус. Қулоқ. Ўнг ва «сўл» оғмачи.

— Демак, «Унсурлар» ана шу ҳақда.

— Балли. Достоннинг кириш қисми — «Урол» ва хотима қисм — «Аддоий»дан ташқари «Колима ва калима», «Тамғали», «Қулоқлаш», «Контр нарком», «Пахтачи оппортунист», «Миллий шоир», «Игарка каккулари» бобларидан иборат. Бошламаси ва адоғи, ҳар боб Афанди латифаси билан тугалланган.

— Ҳажми қанча? Қай орада улгурдингиз бунга?

— Мен зиҳор ўлчаб ёзмайман. Каттакон ҳисоб дафтарини охирги бетигача катакмакатак тўлғазганимни биламан, холос. Қай орада улгурганим қўлёзма сўнгидаги тарихдан аён: «7 июль — 17 сентябрь, 1988 йил. Тошкент—Подольск—Москва—Магадан — Тошкент».

Агар эндиги ҳосилим ўқувчиларга жиндек манзур бўлса, қилган меҳнатларимдан рози бўлардим.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Султон АКБАРИЙ

Унсурлар

(«Қатағон»)

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Ўша кун ва ўша тун эди,
Иш юришмай шарқлик хун
эди...
Ки сирғалиб кирар уч шарпа
«Метропол»нинг!
хосхонасига,
Ҳар эҳтиёт, нозик тоифа,
Қўрик? қўйиб остонасига.
Ҳе йўқ, бе йўқ.
Ҳоким ирода.
— Янглишмасак, нарком
Алиев?!
— Нақ ўзлари! Қизиқ ҳар
ҳолда...
— Лубянкадан.
— Ҳимм, келила...
Мана мандат, мана ваколат,
Коминтерн... Средазбюро...
— Мана ордер — ҳибсга
далолат...
(Олтин деса, мис экан туғро)
— Бир сим қоқиб олай...
— Мумкинмас.
— Поскребишевга?3

1) «Метрополь» — Москванинг эски ҳашамдор мусофирхонаси. 2) Соқчи. 3) Сталиннинг ёрдамчиси.

Цекагая?
— Худоснгаям. Гап бас.
Тинтув. Қани, туринг
чеккага!
Қатларида бордай палахмон,
Китобларни юлқиб титарлар.
«Ўтган кунлар»,
«Меҳробдан чаён»,
Контр! Мусодара этарлар.
«Капитал» ва Ленин
жилдлари
Алоҳида хавфли шахсдай.
Чизгиларн ва таъкидлари
Сталинга зид, кажбаҳсдай.
Шерозадан хатчўпга қадар
Оланқираб кўриб чиқилар.
Алоқа хат ва қўйин дафтар.
Сўроқ берган каби сиқилар.
Ёнчиқ қуруқ. Ленин расмли
Қизил червонлар ҳам
шубҳали
Йўл паттаси соҳта эмасми?
Экспертга жумбоқ кўп ҳали.
Ҳамма нарса увун, ост-устин,
Биларми мол қадрин
пастарин?
Ширт-ширт сўкар каверкот
костюм,
Ёстиққача авра-астарин.

Бир тортмадан совуқ
тўппонча,
Хуфя қурол чиқар. Суиқасд!
Нарком бўғилгандай
тўфонда:
«Ғаламислик! Меникимас,
паст!»
Кишан тушар ёйиқ қўлига.
—Ғинг демай юр!
— Қаёққа?
— Қамоққа!
...Умидлари Масков йўлида,
Қорақиз ағанарди янтоққа...

⊙

Лубянка. Лубянка, Лубянка.
Панжара. Авахта. Кўланка.
Лубянка. Лубянка. Лубянка.
Осмон йўқ, боқ чоҳга,
тубанга.
Лубянка. Лубянка. Лубянка.
Қани у тумоқ, соз кубанка
Лубянка. Лубянка. Лубянка.
Ташлавор обинон, буханка.
Лубянка. Лубянка. Лубянка.
Демаслар партбадал
тўланган.
Лубянка, Лубянка. Лубянка.
Тилхат берилмаптн ўлганга.

⊙

Етти кеча тергов, сиқув сурунка.
Наркомнинг эгнида қонли тириика.
Ки ғаров юрғизиб тирноқ шиларлар,
Уликни турғизиб қистоқ қиларлар.
Шу қадар фаранг бўб кетганми жазо?
Шу қадар қийнимм Советда қазо?
Чалажон чўзилса, сувга пиширлар,
Қўй ютган аждаҳо янглиғ шиширлар.
Ахир у чибин-ку, эмас каркидон,
Отиб юборсайди тезроқ аркидан.
— Тўдабоз Икромов кимнинг бўлади?
— Фирқадош жигарим, иним бўлади.
— Та—к, та—к!.. Та—к, та—к!..
Хўжаев эса?
— Чекинмас большевик —ким нима деса...
— Пойтахтга келишдан мақсад аслида?
— Пахтанинг таннархи масаласида.

— Та—к, та—к!.. Та—к, та—к!..
Қай бирин амри?
— Икковин бир ундан қорилган хамри.
— Демакким бириккан қора гуруҳчи?
— Зиҳор! Улус бахти учун қўриқчи.
— Та—к, та—к!.. Та—к, та—к!..
Тўппонча қайдан?
— Қўрчоқбозлик! Бу бир қилиқ малайдан.
— Ўв, ҳали биз малай, қўрчоқбоз ГПУ?
— Тукли башарангга, турқингга тфу!..
Бирдан қулочкашлаб жағни ёрарлар,
Ўттиз икки тишни қоқиб оларлар.
На жуфту на етим қовурға қолар,
Очлик эълон қилар, кўзи олаяр.
— Биз не эксак, сен ҳам шуни экасан,
Ўқиб айбномани имзо чекасан!..

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

МАН ЭТИЛАДИ

Американинг Айдахо-Фолс шаҳрида ёши саксон саккиздан ошган қариялларнинг мотоцикл миниши ман этилган. Худди ана шу фармон билан қариялларнинг оила аъзоларига ҳам уларнинг мотоциклга ўтиришларига ёрдам бериш тақиқланади.

РУҲОНИЙНИНГ ЯНГИ КАСБИ

Яқинда Варвик шаҳрида истиқомат қилувчи британиялик руҳоний Грэм Хэндс ўз ибодатхонасининг қаршисида жойлашган қаҳвахонадаги бўш... майхона сотувчиси ўрнини эгаллашга қарор қилди. «Энди мен ўз қавмларим билан яқинроқ танишишдек ажойиб имкониятга эга бўламан», — дебди руҳоний.

УЧАР ТРАКТОР

Трактор осмонда парвоз қилиб юрибдими?.. Ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас,— десангиз янглишган бўласиз. Халқаро томошага ташриф буюрган кишилар: осмонда парвоз қилиб юрган улкан ҳаво шари шаклидаги учар тракторни ўз кўзимиз билан кўрдик, деб жаҳоб беришади. Уни Англиянинг Бристоль шаҳридаги моҳир конструкторлар ясашибди. Айрим зиёратчиларнинг омади келиб, ғаройиб томошани кузатибгина қолмай, шар десангиз шар, трактор десангиз тракторда осмонга парвоз қилиб, одатдан ташқари сайр қилишибди...

СУРАТДА: учар трактор.

ТАСС фотохроникаси.

ҒАРОЙИБ ҚОНУН

Американинг Аризона штатидаги Мохаве округида ғаройиб бир қонун бор. Тўғри, бу қонун тажрибада бирор марта ҳам қўлланилган эмас. Ана шу қонунга кўра, совун ўғирлаган ва қилмиши исботланган киши жазо тариқасида... ҳуқуқ-тартибот посбонларининг кўз олдида ўғирлаган совуни билан ундан фақат кўпиги қолгунича ювиниши керак.

ШОКОЛАДЛИ КОМПЬЮТЕР

Маълум бўлишича қараганда, шоколадни энг кўп Швейцарияда истеъмол қилишар экан. Бу ерда аҳоли жон бошига бир йилда ана шу ширниликдан ўн ярим килограммдан тўғри келар экан. Ўз-ўзидан аёнки, ана шу шоколаднинг аксарият қисмини маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқаради. Аммо сўнгги вақтларда Швейцария бозорларида Кунчиқар мамлакат фирмалари ўзларини тобора дадилроқ ҳис этишмоқда. Япония бу ерга компьютер, ёзув машинкаси, фотоаппарат шаклидаги... шоколадларни етказиб бермоқда. Бир сўз билан айтганда, улар маҳсулотларининг оригинал ташқи кўринишн билан харидорларни жалб этишяпти.

КИМ ХУШХЎР

Ғарбий германиялик биологлар бир от бир йил мобайнида ўз вазнидан саккиз-тўққиз баравар кўп ем истеъмол қилишини ҳисоблаб чиқибдилар. Уларнинг тадқиқотлари натижаларига қараганда, одам отга нисбатан анчагина хушхўр чиқади. Чунки, ҳар биримиз йил давомида ўз вазнимиздан ўртача ўн олти баравар кўп овқат истеъмол қилар эканмиз.

ЖАҲОНДА ЯГОНА

Американинг Миссури штатидаги Седейлия шаҳри аҳолисини маҳаллий циркка одатдан ташқари аттракцион жалб этади. Ўргатилган ҳачир тўққиз метр баландликдан сув тўлдирилган мўъжазгина ҳовузга сакрайди. Цирк хўжайини (ҳайвон ўргатувчи ҳам унинг ўзи) худди шундай томоша дунёнинг бирорта ҳам бошқа ерида кўрсатилмайди, деб тасдиқлайди.

ШОКОЛАД КЎЧАСИ

Нью-Йоркдан 150 километр ғарбда жойлашган Херши шаҳрида Шоколад ва Какао деб аталувчи кўчалар бор. Маҳаллий аҳолининг эътироф этишича қараганда, бошқа бирорта ҳам мамлакатда ана шундай номланувчи кўчалар йўқ. Гап шундаки, шаҳарчага 1857 йилда Швейцариядан келган Милтон Херши исмли қандолатчи асос солган. Шу ерда у шоколад фабрикасини қурган ва дастлабки икки кўчага реклама мақсадида ўз маҳсулотларининг номини берган.

КИМ ОШДИ САВДОСИДА

Англия. Лондондаги Сотби ким ошди савдосида машҳур француз экспрессионист-рассоми Огюст Ренуарнинг «Сайр» картинаси ўн миллион уч юз қирқ минг фунт стерлингга сотилди. Бу ана шу мусаввирнинг бир асарига тўланган энг қиммат баҳодир.

СУРАТДА: Огюст Ренуарнинг «Сайр» картинаси.

Рейтер—ТАСС телефотоси.

СИРЛАРИ

Л. БОГДАНОВИЧ,

медицина фанлари доктори.

Тош кўтариб югуриш

ИНСОНИЯТГА кўпгина фойдали, доно маслаҳатлар берган Аристотель ва Гиппократлар ҳам умрни узайтириш, организмни яшартириш рецептлари устида бош қотиришган. Масалан, Гиппократ соғлом турмуш тарзи ҳақидаги қарашларида овқат ейишда меъёрга амал қилишни, ортиқча уйқу ва ҳаддан ортиқ бедорлик зарарли эканлигини, очиқ ҳавода ҳаракатнинг фойдали таъсирини уқтиради. Бу фикрлар ҳамон ўз кучида.

Аммо тарихда узоқ умр кўриш борасида турли хил зарарли қарашлар ҳам бўлган. Масалан, қадимги Римда кексалар ўлаётган ёш паҳлавон гладиаторлар қонини ичишга интилишган. Ўзининг ахлоқсиз ҳаёти билан танилган Папа Иннокентий VIII чақалоқ қонини ичган, аммо у билан ёшариб қолмаган.

Тирик организмларнинг, шу жумладан, инсоннинг кексайишини ўрганадиган фан — геронтология ҳамиша овқатланишга алоҳида аҳамият бериб келган. 30-йиллардаёқ олимларнинг каламушлар устида олиб борган тажрибалари шуни кўрсатдики, калорияси жиҳатидан паст, аммо оқсил ва витаминлари кўп бўлган овқат еган ҳайвонлар узоқ умр кўрганлар ва вазнлари ҳам кам бўлган. Аммо бошқа турдаги ҳайвонлар устидаги тажрибалар бундай самара бермади. Бизнинг назаримизда, бу назарияни инсонга тадбиқ қилишга ҳали эрта ва хатарли. Шунга қарамай, кўпгина одамлар узоқ умр кўриш учун кам овқат ейиш ёки вақти-вақти билан оч қолишга интилмоқдалар. Паст калорияли овқатланиш тарафдорларидан бири, Калифорния университети (АҚШ)дан доктор Рой Уолфорднинг таъкидлашича, аста-секин овқатлар калориясини тахминан 40 процентга пасайтириб, 140 ёшгача яшаш мумкин эмиш. Фикрини исботлаш учун Р. Уолфорд ўз устида тажриба ўтказмоқда. Нима ҳам дердик, унинг тажрибаси натижасини кутиб турамиз...

Мутахассислар бир масалада якдилдирлар: таркибида сабзавот ва мевалар, сут маҳсулотлари бор овқатлар истеъмол қилиш, енгил овқатланиш қунларини жорий этиш, овқатни тўғри тайёрлаш, ҳуллас, урф-одатлар ва миллий анъаналардан келиб чиқиб, рационал овқатланиш узоқ умр кўриш ва навқиронликни узайтиришнинг муҳим факторидир.

Кўпчилик узоқ умр кўриш учун махсус шароитлар бўлиши зарур, йил бўйи тоғ ҳавоси ва денгизда чўмилиш, ҳар куни янги узилган сабзавот ва мевалар истеъмол қилиш, ишда ва турмушда роҳатбахш шарт-шароитлар бўлиши, доимий эрмаклар зарур деб ҳисоблайдилар... Мамлакатимиздаги кўпгина умри чинорлар ҳаёти оғир кечганлигини айтиб ўтдик. (Шуни ҳам айтиш керакки, тоғ ҳавосига эга бўлган Закавказье республикаларидагина эмас, балки Ёқутистон, Бурятия, Узоқ Шимол, Москва ва Ленинград, бошқа йирик шаҳарларда ҳам узоқ умр кўрганлар кўп). Кўплаб тадқиқотларнинг натижаларига ҳам эътибор беринг: узоқ умр кўрганларнинг ҳеч қайсиси овқатда ўзини чекламаган, миллий урф-одатларга кўра овқатланган. Улар орасида гўшт емайдиганлар ҳам йўқ.

АҚШдаги турли иҳтимоий группалар ўртасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, паст даромадга эга бўлган қора танли гражданлар юксак даромадга эга бўлган оқ танлиларга нисбатан 10—12 йил кам яшар экан. Ёзни, ўз ҳоҳишига қарши ўлароқ «паст калорияли овқат»лар истеъмол қилган камбағаллар ортиқча овқат ейиш имкониятига эга бўлган кишилардан олдинроқ ўлар экан. Маълумки, ортиқча овқат ейиш юрак-томир касалликлари билан оғриш имкониятини оширади.

Инқилобдан олдинги Россиянинг кўп вилоятлари йилдан-йилга қурғоқчилик ёки тошқин, чигирткалар ёки ёнғиндан азоб чекарди. Тўйиб овқат емаслик ҳоллари очарчилик билан алмашинарди. Аммо «паст калорияли овқатланиш» узоқ умр кўриш имкониятини бермаган. Бу регионларда яшаганлар одатда кам умр кўрган.

Овқатланиш ҳақидаги гапимизни тугаллар эканмиз, шуни айтмоқчимизки, ҳозирча доимий ёки вақти-вақти билан кам овқат ейиш, тўла очлик, турли хил урф бўлган парҳез, гўшт емаслик, хом ейиш сингари одатларнинг афзаллигини кўрсатувчи ишончли далил йўқ. Соғлиқни сақлаш ва кексликни «кейинроққа суриш учун» оқсил, микроэлемент ва витаминлари жиҳатидан тўйимли бўлган овқатлар ниҳоятда муҳим. Аммо айни пайтда ҳамиша ортиқча овқат ейишнинг зарари ҳақида, семизликнинг олдини олиш ҳақида ўйлаш керак.

Ҳамиша жисмоний тарбия билан шуғулланиш, баданни чиниқтириш, актив дам олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиш керакки, организмнинг мослашиш имкониятлари буюк бўлса ҳам, чегарасиз эмас. Катта, ҳаддан ортиқ жисмоний зўриқиш узоқ умр кўришга ёрдам бермайди.

Газетхонларга москвалик М. М. Котляровни мисол қилиб келтирмоқчиман. У 80 ёшдан ошган бўлса-да, тўлақонли ҳаёт кечирмоқда. Ўзининг ёш группасида у марафон масофасини ҳаммадан тез, яна қўлда гантель ушлаб, босиб ўтади. Ахир унинг ҳаёти осон кечмаган: узоқ йиллар шахтёр бўлиб ишлаган, кўпгина оғир юқумли касалликларни бошдан кечирган, ҳатто сил билан оғриган, инфаркт ҳам бўлган. М. М. Котляров сингарилар кўп.

Ҳаёт манбаи— меҳнатдир

ЖАҲОН АҲОЛИСИ «кексаймоқда». Аҳоли таркибида кексалар миқдори тобора ортиб бораяпти. Демак, тобора кўпроқ киши ўз умрига диққат-эътибор билан қарамоқда. Ҳар бир киши кексалик ва кексайиш бир хил тушунча эмаслигини англаб олиши керак. Цицерон ёзганидек, «иллатлар умуман кексаликка хос эмас, балки ялқов, уйқучи, гумроҳ кексаликка хос». Кексалик — албатта келадиган ёш категориясидир. Кексайиш эса бошқариш мумкин бўлган жараёндир: уни тезлаштириш ёки секинлаштириш ҳам мумкин. Бундан ташқари, геронтология фақаттина одамлар иложи борича кўпроқ яшаши учун қурашмайди. Узоқ умр кўришнинг ўзигина асосий мақсад эмас. Энг муҳими, инсон ҳаётининг фаол, ижодий даврини узайтиришдир.

Кексайишнинг дастлабки белгилари 30—35 ёшда пайдо бўлади. Бундан анча кекса ёш ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Қариликда организм одатда кўпгина касалликларга дучор бўлади. Баъзида улар жуда оғир кечади. Шу сабабли айрим кишилар «Умрни узайтиришнинг маъноси борми-кан?» деган савол берадилар.

Кексайиш — мураккаб биологик жараён бўлиб, ҳужайралар структурасини, моддалар алмашинувини ўзгартиради. Олимлар ҳали ҳужайраларда кечадиган жараёнларни бошқаришни ўрганишлари керак. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ медицина кўпгина ишларни қилишга қодир.

Совет профилактик медицинаси инсонга узоқ ва соғлом тўлақонли ҳаёт кечиришга ёрдам беради. Совет медиклари ҳужайраларнинг кексайиши жараёнини секинлаштирадиган, организмнинг ҳимоя-мослашиш системасини активлаштирадиган, унинг турли касалликларга ва зарарли таъсирларга қаршилигини оширадиган кўпгина воситаларга эга. Врач-педиатрлар ихтиёрида витаминлар, биологик активи моддалар комплекси бор.

Дорилар ўз йўлига, аммо ҳеч нарса умрни меҳнат сингари узайтирмайди. Аксинча, ишдан кетиш кўп ҳолларда «пенсия ёшидаги синдром» деб аталган касалликни туғдиради. Чунки одатий иш услубидан, коллективдан ажралганда кекса кишининг кайфияти кескин тушиб кетади. Руҳан эзилади. Натижада у тезроқ қариди.

Мамлакатимизда узоқ умр кўриш проблемасига катта аҳамият бериляпти. Чорак аср муқаддам СССР Медицина фанлари академиясининг геронтология институти ташкил этилган эди. У кексайишнинг биологик, физиологик, медицина аспектларини комплекс ўрганмоқда, кенг социологик тадқиқотлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, 120 илмий тадқиқот ва медицина институтлари тематикасига ана шу проблема киритилган...

...Лев Толстой ва Репин, Вольтер ва Верди, академик Павлов ва Мичурин. Тарих ўзини саҳоват билан ижодий ишга бахшида этган кишилар узоқ умр кўрганликлари ҳақида кўплаб мисолларни биладилар. Улар фақатгина умрларининг охиригача меҳнат қилиб қолмасдан, ҳаёт завқини ҳам тотишга интилганлар.

Совет геронтологлари ҳар бир ишда ана шундай имкониятни таъминлашни ўзларининг олий мақсадлари деб биладилар.

«Новое время» журналидан Н. МУҲАММАДИЕВ таржимаси.

Инглиз юморлари

— Бир кунда неча марта соқол оласиз?
— 40 ёки 50 марта.
— Йўғ-е?
— Ҳа-да. Ахир сартарошман.

* * *

— Сочингни қанақа қилиб олиб қўяй, — сўради сартарош тўрт яшар Сэмдан.
— Илтимос, дадамникига ўхшаган ўртаси юмалоқ ҳовуз бўлсин, — деди мағрурланиб Сэм.

* * *

Дарс тайёрлаб ўтирган ўғлини мақтамоқчи бўлган она «Қани амакиларга икки карра тўққиз неча бўлишини бир айтиб юборгин» деди.
— 12...
— Тополмадинг.
— 13...
—Ўйла.
— 14, 15, 16, 17, 18...
— Тўппа-тўғри, азизим! Вақти келиб сен албатта буюк математик бўласан, дўмбоқчам.

* * *

Жабрланувчининг кўнглига йўл топмоқчи бўлган адвокат ундан мулойимлик билан сўради:
— Сэр, бу сизнинг имзонгиз эмаслигига аминмисиз?
— Ҳа, жаноб адвокат.
— Бу сизнинг ёзувингиз эмаслигига ҳам ишончингиз комилми?
— Албатта, жаноб адвокат.
— Буни қандай исботлайсиз?
— Жуда осон. Ахир мен ёзишни билмайман, жаноб адвокат.

Инглизчадан М. ХУДОЙБЕРГАНОВА таржимаси.

1 майдан—7 майгача

Телепрограммалар

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ўзбекистон дея аталур». Манзарали фильм. 9.25 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). **9.50 Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув.** Кўрсатув тугагач — «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». Экранда — Фарғона области.

* * *

12.10 Москва. «Май табассумлари». «Болалар куйлайдилар ва рақсга тушадилар». 12.40 **Москва. Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув.** 15.00 «Жониворларга ўхшаш қуш». Мультфильм. 15.15 «Бойсунда қорлар эриётганда». Фильм-концерт. 15.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм («Мосфильм»). 17.00 «Саҳна ва кино усталари». ЎзССР халқ артисти Г. Аъзамов. 18.20 «Ассалом, 1 Май!». Музикали-адабий композиция. 19.05 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 **«Ахборот». Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж.** 21.10 «Киносаёҳатчилар альманахи». 21.30 **Москва. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж.** 22.15 «Май табассуми». Байрам музикали программаси. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Рассом ҳаётидан икки кун». 20.05 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. **Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж.** 22.15 Музикали программа. 23.00 «Тожикистон байрам либосида».

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 «Ширин эртак». Мультфильм. 9.00 СССР Давлат академик симфоник оркестри чалади. 9.20 «Ёнғоқ». Телефильм. 9.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов концерти (балайка). 10.25 «Янис Рицос». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 10.55 «Нафис куйлар». И. Штраус (ГДР телевидениеси). 11.40 «Биз ва бизнинг мамлакатимиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 12.10 «Май табассумлари», «Кичкинтойлар куйлайдилар ва рақсга тушадилар». 12.40 **Москва. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув.** Кўрсатув тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 15.00 «Циркни ҳамма севади». 15.40 «Қувноқ нотачалар». 16.40 В. Астафьев. «Кертиклар». Муаллифнинг ўзи ўқийди. 17.10 «Олти дарё оша йўл». Сибирь автомобиль йўллари институти қурилиш отрядининг иши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 17.35 «Ёғиз аёл таниишини истайди». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 19.05 «Даврани кенгроқ олинг». Эстрада программаси. 21.30 «Время». **Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майнинг байрам қилиниши ҳақида репортаж.** 22.15 «Сўзимиз қанчалик эътибор топади...». Телефильм. 22.45 Д. Шостакович номли Давлат квартети чалади. 22.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группаси командалари матчи. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. 01.30 «Кино, севги ва... фантазия». Киноконцерт.

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Табиат билан ҳамжиҳатликда». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Тайгада якшанба куни» (Новосибирск), «Қизилёғочда» (Боку). 9.10 Халқ куйлари. 9.20 Мультфильмлар: «Ўйин», «Ансис гуллари». 9.40 «Шостакович — композитор ва давр». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»). 10.30 «Крилов масалларини ижро этамиз». Фильм-концерт. 11.05 Сузиш. ГДР ва СССР терма командалари матчи. ГДРдан кўрсатилади. 11.35 «Имкон беринг тинчликка». Фильм-концерт. 12.10 «Май табассумлари». Кичкинтойлар куйлайдилар ва рақсга тушадилар. 12.40 **Москва. Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган кўрсатув.** Кўрсатув тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 15.00 Поэзия. Лучезар Еленков (Болгария). 15.10 «Байка». Бадиий фильм («Мосфильм»). 16.35 «Янгра, гармонь». Краснодардан кўрсатилади. 17.55 «Хазиналар ороли». Мультфильм. 1-серия. 18.45 Ҳужжатли фильм. 18.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группаси командалари матчи. Швециядан олиб кўрсатилади. 19.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 1-қисм. 19.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группаси командалари матчи. 2 ва 3-даврлар. Швециядан олиб кўрсатилади (1 Майдаги такрорланади). 10.05 «Ўхшамас». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран»). 12.20 «Қадрдон ўтмиш» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Мэри учун ўрналар» (Владивосток), «Чонар-даш» (Красноярск). 12.50 «Кўрсатув эфирга кетди». 13.50 «Экспресс» концерт ансамблининг чиқиши. 14.15 «Спорт ҳамма учун». 14.30 Ритмик гимнастика. 15.15 «Цирк артисти Ермолаевлар». Фильм-концерт. 16.00 Реклама. 16.05 «М. Горький номли киностудия таклиф этади...». 17.10 «Хазиналар ороли». Мультфильм. 2-серия. 18.10 «Қувноқ яшанг». Бадиий филм, субтитр билан («Мосфильм»). 19.25 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак»—«Арарат», 1-тайм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 2-қисм. 20.30 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Арарат», 2-тайм. 21.30 «Время». 22.05 «Унутма, қайрилиб боқ». Телевизион бадиий фильм. («Экран»). Премьера.

1 май, душанба

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Юлдузча». Киноальманах. 10.50 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон). 12.05 Телевизион миниатюралар театри. 13.30 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 14.00 «Баҳор мушоираси». 14.40 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун фильм. «Сўзсиз шеърият». 18.30 «Май гуллари». Тошкент шаҳар болалар боғчалари тарбияланувчиларининг чиқиши. 19.00 «Мерос — наследие». Телефильм. 19.15 «Мультипанорама». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Изланиш давом этади». Телефильм. 20.50 «Қардошлик тароналари». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Экранимизда биринчи марта. «Кин-дза-дза», Фантастик кинокомедия. 1-серия («Мосфильм»). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Э. Қаландаров жаз композицияларини ижро этади. 19.45 «Текелдуз». Ҳужжатли фильм. 19.55 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Алла Пугачёва қўшиқлари театри». Концерт.

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Мультфильмлар: «Орзуларнинг рўёбга чиқиши», «Думлар». 9.30 «Кемачалар сузарди...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Волгоград). 9.50 Болалар соати (француз тили дарси билан). 10.50 И. Архипова ҳамда СССР Давлат телерадиосининг Н. Некрасов рақбарлигидаги рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. 11.50 Мультфильмлар: «Неаполлик болакай», «Асфальтдаги излар». 12.25 «Тилла бреге сири» (М. Горький номли киностудия). 1 ва 2-сериялар. Премьера. 14.30 «Тайга репортажи». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.50 «Нептун байрами». Киноальманах («Мосфильм» «Ленфильм» иштирокида тайёрланган). «Дадамиз Майонез» («Ленфильм»), «Ҳукм» («Беларусьфильм»). 16.10 СССР Давлат телерадиоси концерти. 16.55 «Сени севаман, ҳаёт». Фотоконкурс. 17.00 П. Чайковский номли концерт залида Польша радиоси ва телевидениеси камер оркестрининг концерти. 18.30 Н. Эрдман. «Ўз жонига қасд қилган киши». Москва академик Сатира театрининг спектакли. Премьера. 21.30 «Время». 22.05 «Юлдузли диск». Эстрада программаси. 00.05 Янгиликлар.

⊙ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группаси командалари матчи. 2 ва 3-даврлар. Швециядан кўрсатилади (1 Майдаги такрорланади). 10.05 «Ўхшамас». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Экран»). 12.20 «Қадрдон ўтмиш» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Мэри учун ўрналар» (Владивосток), «Чонар-даш» (Красноярск). 12.50 «Кўрсатув эфирга кетди». 13.50 «Экспресс» концерт ансамблининг чиқиши. 14.15 «Спорт ҳамма учун». 14.30 Ритмик гимнастика. 15.15 «Цирк артисти Ермолаевлар». Фильм-концерт. 16.00 Реклама. 16.05 «М. Горький номли киностудия таклиф этади...». 17.10 «Хазиналар ороли». Мультфильм. 2-серия. 18.10 «Қувноқ яшанг». Бадиий филм, субтитр билан («Мосфильм»). 19.25 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак»—«Арарат», 1-тайм. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм. 2-қисм. 20.30 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Арарат», 2-тайм. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 П. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 1-концерт. 23.05 Ю. Григорович билан интервью. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Ришад Шафиев ҳамда «Гунеш» группаси «Дўстларимга» музикали программасида. Ашхоободдан кўрсатилади.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программаси

* * *

12.05 Р. Шуман. Фортепьяно, скрипка ва виолончель учун фамажор триоси. 12.40 «Унутма, қайрилиб боқ». Телевизион бадиий фильм. 14.15 Янгиликлар.

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.45 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (ЧССР). Премьера. 19.35 Литва ССР Давлат телерадиоси. «Хўжалик ҳисобидаги республика». Бошқарувнинг иқтисодий усулларига қандай ўтиш керак. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ айиқчалар». 1-қисм. 20.45 «Одамга том не даркор?». Ҳужжатли фильм. Бўш ётган болахоналарда квартиралар қуриш тажрибаси ҳақида. 21.20 Владимир шаҳри «Сузорье» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. Премьера. 00.05 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Москва).

ТАКЛИФЛАР

⊙ **Х. Абдуллаев, Чилонзор район, 7-квартал, 25-уй, 12-квартирада яшовчи:**

— Бадиий фильмлар кўпинча кундуз кунлари намойиш этилади. Ишда бўлиб кўролмай қоляпмиз. Кечқурундари ҳам қўйиб турилса. Кейин Ўзбекистон телевидениесида бирон соатга белгиланган кўрсатув кўпинча ё олдин, ё кечикиб бошланади. Программага риоя қилинса.

⊙ **Н. Раззоқхўжаева, ТошДУ филология факультети, 3-курс талабаси:**

— «Зор эдим бир кўргали» кўрсатуви Тошкент шаҳридан ҳам тайёрланса. Болаларга атаб ўзбекча мультфильм ва эртаклар намойиш этиш кўпайтирилса.

⊙ **А. Ниғматов, аэропорт хизматчиси:**

— Тошкентнинг иккинчи программасида шаҳар экологияси ҳақида кўрсатиб борилса. Иккинчи таклифим, кўрсатувлар эрталабдан бошланса. Сабаби, кечқурунлари ишда бўлиб телевизор кўришга вақтимиз бўлмайди.

Биргаликда «зангори экран» олдида

«Қайсиси манзур, нима ёқмайди?»

⊙ **Г. Бадалова, Тошкентдаги 195-мактабнинг 8-синф ўқувчиси:**

— Таниқли санъаткорлар билан учрашувлар бериб борилса.

⊙ **К. Муҳамедов. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кекса педагог:**

— Тарбияга оид илмий оммабоп ва бадиий фильмлар кам бериляпти. Асосий эътибор шунга қаратилса, ёмон бўлмасди.

ҚАЙСИСИ МАНЗУР?

⊙ **М. Турсунова, ТошПИ ўқитувчиси:**

— 25 апрелда намойиш этилган «Бўстон» кўрсатуви жуда ёқди. Ҳамзанинг 1910—15 йиллардаги ижоди ҳақида кўп нарса билиб олдик.

⊙ **М. Раҳимова, «Кооппосилторг» иқтисодчиси:**

— Нуриддин Ҳайдаров концерти ёқди. «Ахборот» программаси кейинга сурилгани яхши бўлди. Таклифим, гапираётганда дикторлар кулиб туришса. Фақат Н. Қамбарова ва Р. Толиповнинг чиқишлари жозибали.

⊙ **Б. Иноятов, Тошкент область Ички ишлар бошқармаси ходими, лейтенант:**

— 25 апрелдаги «Оила» кўрсатуви ёқди. Кейин 26 апрелдаги «Халқ ижодиёти» ҳам ёмон эмас. Бахшиларимиз ҳақидаги кўрсатувлар кўпайтирилса, яхши бўларди.

НИМА ЁҚМАЙДИ?

⊙ **Г. Олимова, «Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси:**

— Кундузги кўрсатувларнинг бирортаси ёқмади. Ўтган шанба куни эса «Ассалому алайкум» информацион музикали программа негадир берилмади. Қизиқ, яхши бир ишни бошлаб қўйишадию, кейин қолиб кетади.

⊙ **М. Файзиева, Тошкентдаги 5-мактаб ўқитувчиси:**

— Шанба ва якшанба кунларига белгиланган кўрсатувлар ёқмайди. «Шахмат мактаби»дан бошқа нарса йўқми? «Ассалому алайкум» қизиқарли чиқмаяпти. Программага риоя қилинмайди. 26 апрель соат 22.20 га белгиланган фильм қўйилмади.

⊙ **Ф. Солиҳова, ТошДУ филология факультети 2-курс талабаси:**

— 19 апрель, чоршанба куни берилган «Ёшлик» студиясининг «Муносабат» кўрсатуви ёқмади. Истагим «Баҳс» тикланса.

Раҳмат.

Телефон олдида (32-58-85)

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ навбатчилик қилди.

⊙ ЎзТВ

15.30 «Тош санам». Қисқа метражли бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 16.05 «Жафо чекма». Фильм-концерт. 16.35 «Оляга аталган гуллар». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильм. «Зангори лагуна капитанлари» (Ялта киностудияси). 19.25 «Чорвадор» программаси, Қоракўлчиликнинг кўкламги юмушлари. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Камолот сари». М. Ғафурова, К. Отажонов. 20.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бу иш бўлмаслиги ҳам мумкин эди...» (рус.). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Ретро. Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Сен етим эмассан». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 К. Маркс туғилган кунга. «Бир умрга тенг йил». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 20.50 Реклама. 21.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Беш йиллик: ишлар ва одамлар». Чирчиқ пойабзал фабрикасининг иши ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 «Челюскинликлар». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дюймчахон». Мультфильм. 9.35 «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.45 Янгиликлар. 10.55 «Байка». Бадиий фильм. 12.20 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 13.20 «Замондошимиз портрети». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Моҳияти» (Киев), «Академик Ениколоков» (Ереван). 14.05 М. Равель. Фортепьяно ва оркестр учун концерт. 16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қора товуқ

4 май, пайшанба

ёки ер остида яшовчилар» (А. Довженко номли киностудия). 17.25 «Экран» ижодий уюшмасининг мультфильмлари: «Эҳ, малика», «Доремон». 17.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.45 «ТелеЭКО» журнали. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Миллатлараро муносабатлар: тарихий тажриба ва муаммолар. Миллий маданиятнинг актуал масалалари. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Опера шинавандаларига». Телеклуб. 23.15 Актуал объектив. «Севимли аёл портрети». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск). 23.55 «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программаси

9.15 «Кечир, Қорабўғоз кўли». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»). 9.35, 10.35 Умумий биология. 10-синф. Янги ўсимликлар қандай яратилади. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 «Қайф этилишича». Замонавий одамнинг бошидан кечираётган руҳий кечинмалари ҳақида илмий-оммабоп фильм. 11.35, 12.35 Адабиёт. И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф. 12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.05 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 13.55 Янгиликлар. 14.05 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.05 «Менда бир сир бор». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.45 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 19.30 Кўп болали оилаларга ёрдамни кучайтириш муаммолари ҳақида телеочерк. 19.55 Новосибирск область Коливанский қишлоқ хўжалиги техникуми «Юность» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.20 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ айиқчалар». 2-қисм. 20.35 Латвия ССР Давлат телерадиоси. Миллатлараро муносабатлар ҳақида суҳбат. 21.30 «Время». 22.05 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 23.55 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Ажина». Михайловскдаги А. С. Пушкин Давлат қўриқхонасининг асровчиси С. С. Гейченконинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида.

⊙ ЎзТВ

15.30 «Шафран». Телефильм. 15.45 «Дўстим Меликуш». Бадиий фильм («Туркманфильм»). 17.00 Пойтахтимиз меҳмонлари». М. Авазов ижоди. Қўзоқ Давлат академик драма театри. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёш ленинчи» газетаси — «Ёшлик» студияси меҳмони. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Матбуот кунига. «Бизнинг факультет». 20.40 Матбуот ходимлари учун музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Биринчи курьер». Бадиий фильм (Болгария—СССР). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Бир умрга тенг йил». Бадиий фильм. 2-серия. 20.35 «Лицедейлар». Фильм-концерт. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс» Информацион кўрсатув (рус). 21.15 «Биз ичадиган сув ҳақида». Телефильм («Узкинохроника»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Челюскинликлар». Бадиий фильм. 2-серия (рус).

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар: «Ялтироқ қурт», «Биринчи скрипка». 9.35 «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.40 Янгиликлар. 10.50 «Опера шинавандаларига» телеклуби. 12.00 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». Экологик программа.

5 май, жума

* * *

15.55 Янгиликлар. 16.05 «Қайта қуриш прожектори». 16.15 Болалар учун фильм. «Капитан Грантнинг болалари» («Мосфильм»). 17.40 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари: «Мичурин орзуси» (Саратов). 18.00 «Лада» чет элда. 18.20 РСФСР халқлари музикали фольклори концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Фалсафий суҳбатлар. «Қайта қуриш ва философия». 20.20 «Кўрсичқон қайвонот боғида». Мультфильм (ЧССР). 20.25 «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.30 «Йўқолган ёрлиқ». Катталар учун мультфильм. 23.10 «Нигоҳ».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программаси

9.15 «XXI аср овқатланиш парадигмасига». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»). 9.35, 10.35 Музика. 2-синф. И. О. Дунаевский. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 «Қайф этилишича». Замонавий одамнинг бошидан кечираётган руҳий кечинмалари ҳақида илмий-оммабоп фильм. 11.35, 12.35 Адабиёт. И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф. 12.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 13.05 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 13.55 Янгиликлар. 14.05 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.05 «Менда бир сир бор». Ҳужжатли фильм.

* * *

17.20 Янгиликлар. 17.25 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 18.55 «Майдон». Спорт программаси. 19.55 Ритмик гимнастика. 20.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ айиқчалар». 3-қисм. 20.40 Қозоғистон ССР Давлат телерадиоси. «Чўл манзарасидаги дастхат». 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 23.45 Лирик концерт. Г. Каменний куйлайди.

⊙ ЎзТВ

15.30 «Владимир Висоцкий — киноактёр». Портретга чизгилар. 15.45 «Лайлак учди, ғоз учди». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильмлар: «Комарики», «Ўз юлдузингни топ». 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иккинчи истеъдод». Сирдарё области «Чўлқувар» халқ ансамбли ҳақида телеочерк. 19.25 «Ҳаёт бахш этиб». Ўрта Осиёда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш муаммолари ҳақида (рус.). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Марҳабо!». Музикали фильм. 20.40 «Чанг тароналари». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Фазилат Шукурова чалади. 20.50 «Арманистон мусибати — ҳамманинг қайғуси». «Узагростройнинг Арманистонга зилзила оқибатларини тугатиш борасида кўрсатаётган қардошларча ёрдами ҳақида кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Ахборот». 22.35 «Кин-дза-дза». Фантастик кинокомедия. 2-серия. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм («Мосфильм»). 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пульс». Информацион кўрсатув. 21.15 «Занданич сири». Телефильм.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Шарқ юлдузи». Эрон қўшиқчиси Саттор.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 10.40 Янгиликлар. 10.50 «Нептун байрами». Киноальманах. 11.35 «Дадамиз Майонез». 11.50

3 май, чоршанба

«Ҳукм» («Беларусьфильм»). 12.10 Т. Кирияки тароналари. Кишинёвдан кўрсатилади. 12.35 «Оламга саёҳат». Альманах. 13.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 13.55 «Нима энг кучли?». Мультфильм. 14.05 Рус хор санъати. РСФСР дирижёр-хормейстерлари аралаш хорининг концерти.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 «Музикали хазина». А. Дворжак. 9-«Славянча рақс» симфонияси. 17.15 «Бардош». Фарғона область матлубот жамиятлари союзининг иши ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Сурнай наволари». Қозондан кўрсатилади. 19.50 «Ширин планета». Мультфильм. 19.55 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Гардемаринлар, олға». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 П. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 1-концерт. 23.05 Ю. Григорович билан интервью. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Ришад Шафиев ҳамда «Гунеш» группаси «Дўстларимга» музикали программасида. Ашхоободдан кўрсатилади.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программаси

* * *

12.05 Р. Шуман. Фортепьяно, скрипка ва виолончель учун фамажор триоси. 12.40 «Унутма, қайрилиб боқ». Телевизион бадиий фильм. 14.15 Янгиликлар.

* * *

17.35 Янгиликлар. 17.45 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (ЧССР). Премьера. 19.35 Литва ССР Давлат телерадиоси. «Хўжалик ҳисобидаги республика». Бошқарувнинг иқтисодий усулларига қандай ўтиш керак. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ айиқчалар». 1-қисм. 20.45 «Одамга том не даркор?». Ҳужжатли фильм. Бўш ётган болахоналарда квартиралар қуриш тажрибаси ҳақида. 21.20 Владимир шаҳри «Сузорье» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Дўстларимиз экрани. «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. Премьера. 00.05 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Москва).

⊙ ЎзТВ

15.30 «Байрам кунида». Бадиий фильм («Мосфильм»). 16.55 «Иқрор. Режиссёр Эрмлер ҳаётидан бир неча кун». Ҳужжатли фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ажойиб дорилар». Мультфильм. 18.20 «Табиат ва жамият». Табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим муаммолари ҳақида. 19.00 Товфиқ ал-Ҳаким. «Иэҳор». Теленовелла. 19.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол прожектори» (рус). 20.00 «Ахборот» (рус). 20.15 «Хотин-қизлар, сизлар учун». Баҳорги-ёзги мавсум моделлари ҳақида. 20.50 «Мусиқа жавони». Тележурнал. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 «Ўрта Осиё ва Қозоғистон: регионни ривожлантириш стратегияси». Иқтисодий алоқаларни кучайтириш ва уларни мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексига қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш (рус). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Зангула». Мактаб ўқувчилари учун программа. 18.40 «Давлат арбитражи: қонунчилик ва экономика». 19.30 «Новости». 19.50 Душанбе музика билим юрти ўқувчиларининг концерти. 20.30 «Ахбор». 20.50 Радио кунига. «Нидои Ҳамзабонон». Тожикистон ССР Давлат телерадиоси маҳаллий кўрсатувлар Бош редакцияси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Шоми Бадахшон». Адабий кўрсатув.

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Москва область «Заря коммунизма» Давлат наслчилик заводи рус қўшиқлари хорининг чиқиши. 9.25 «Гардемаринлар, олға!». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.40 Янгиликлар. 10.50 Мультфильмлар: «Уйча-уйча ўйнаймиз», «Петя ва механик ўйинчоқ». 11.25 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 12.25 СССР халқ артисти, композитор О. Меликов асарларидан концерт. 16.00 Янгиликлар. 16.15 «Унутмаган кишилар ҳақида». Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинград радиосининг иши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 Болалар учун фильм. «Юрка — командирнинг ўғли». («Беларусьфильм»). 18.00 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар» программасига илова. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Автопортрет». Биз ва экономика. 20.15 «Гардемаринлар, олға!» Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Время».

6 май, шанба

* * *

Шанба оқшомида

22.05 «Мультипликацияда сатира». «Родамус Кверкнинг васвасаси». «Фаровонлик изловчилари», «Мустақил яшаш учун баъзи бир машқлар». 22.45 «Румба, вальс ва ёшлик». Фильм-концерт премьераси. (Вильнюс шаҳри). 23.15 Янгиликлар. 23.20 «Музикали ярмарка». «Парнас сари бир босқич» халқаро телевизион фестивали ишбилармон кишиларининг клуби. 00.35 «Муддатидан ташқари». Телевизион очерк. Давлат Хавфсизлик комитети бошқармаси органларининг уруш пайтида Харьковда Ватан хоинлари амалга оширган жиноятларни фош этиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Болалар сеанси. 10.00 Итальян тили. 10.30 «Асрлар садоси». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 10.55 «Закарпатье жилолари». Ужгороддан кўрсатилади. 11.30 «Забт». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 12.45 «Миттилар ҳузурида меҳмонда». Мультфильм. 13.00 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 13.45 Янгиликлар. 13.55 «Шимолдаги район». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Саратовдан таъзим». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Саратов). 18.15 «Мовий тоғлар юртида». Фрунзедан кўрсатилади. 18.35 Москва. Инженерлик-физика институти эркаклар хорининг концерти. 19.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ айиқчалар». 4-қисм. 20.45 «П» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «П» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа. 2 ва 3-қисмлар 00.10 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 «Оила даврасида». Кинопрограм